

ШУ КҮНЛАРДА ҲАЙМА ПАХТА ДАЛАСИДА БЎЛСИН!

ЯНГИЙЎЛДА ИШ КЎНГИЛДАГИДЕК ЭМАС. ЧЕКАНКА КЕЧИКТИРИБ ЮБОРИЛМОҚДА. АЙРИМ ПАЙКАЛЛАРДА ҒЎЗА ЧАНҚАТИБ ҚЎЙИЛГАН. КУЛЬТИВАТОРЛАР ТЎЛА ИШЛАМАЯПТИ. ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР, ИШДА КЕСКИН БУРИЛИШ ЯСАНГ!

БУТҶН ДҶНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 155 (4402)

6

АВГУСТ

ПАИШАНБА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз биргина Янгийўлда эмас, ҳатто республикадаги энг йирик ҳўжаликлардан бири ҳисобланади. 1350 гектар ерда пахта етиштирилади. Деҳқонлар бу йил ҳам илгўрликни қўлдан бермасдан ишлаб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб бормоқдалар. Суратда: колхознинг илгўр механизатор-эвнбошлиғи М. Асқаров ғўза ҳосилини қўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

СЕРҲОСИЛ
ҒЎЗАЛАР



ОҚҚҮРҒОН

ПАХТАЗОРЛАРИДА

«ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» КОЛХОЗИ. Пахта етиштиришда Қўшмўра Партия бoшлиқ бригада деҳқонлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар шу кеча-кўнунда ғўзаларга сифатли ишлов бериб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар.

Бригада пахтакорларининг бу йилги аҳди 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнерга етказиб ҳосил кўтаришидир. Мамадали Ҳамроев бошлиқ илгўр звенода дала ишлари айниқса намунали йўлга қўйилган. Ҳозир бу звено ғўзаларида 6—7 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Х. АВВАЛОВ.

НАВОНИ НОМЛИ КОЛХОЗ.

Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтаришни дилга жо қилиб, пахта далаларида тер тўкаётган деҳқонлар кун сайин ғўза парваришини кучайтиришмоқда. Колхознинг Тошали Махмудов бошлиқ бригада пахтакорлари бу ишда пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ияти ғўзаларини серхосил қилиб ўстиришди.

Шунинг учун ҳам ҳар бир тул ғўза ўз вақтида озиклангандир, парваришланмоқда. Бригадада Ҳанифа Бакирова, Гулдаста Фармонова, Хонзода Исмоилова каби меҳнатсевар аъзолари ғўзаларини чеканка қилишда актив иштирок этмоқда. Улар кўнлик нормаларини 1,5—2 баравар ошириб бажаришмоқда.

А. РИЗМАНОВ,
Т. ТУРҒУНБОВ.

ОХУНБОВЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ.

«Барча майдонлардаги пахтали машинабон қилиб ўстириб, ҳосилнинг 90 процентини агрегатлар ёрдамида териб олами» — Баҳром Эргашев, Маъмур Қосимов бошлиқ бригада аъзоларининг қатъий сўзи бу. Улар янгиликнинг пахтакорлар ташаббусига қўшилган ҳолда ҳосилдорликни ҳар йилгидан 4—5 центнерга кўтаришга аҳд қилишган. Пайкалларида етиштирилаётган ҳосил бундан далолат бериб турибди.

Х. АҲМЕДОВ,
Э. ТУРСУНОВ.

«ЛЕНИНБОД» КОЛХОЗИ.

Даладарда кун сайин барқ уриб, ҳосилга-ҳосил қўшаётган ғўзаларга ҳавасингиз келади. Деҳқон меҳри, меҳнати билан яшайётган даладарда механизатор, суви ва колхозчи пахта ҳосилдорлигини кўтариш йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Колхознинг Болахон Лазизова, Собир Шарипов, Усмон Абдурахмонов бошлиқ участкаларида айниқса ғўзалар серхосил бўлиб етилмоқда. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 25 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб пахта етиштириш йўлида дала ишларини янада қизгин давом эттирмоқдалар.

Н. ТУҒОНОВ,
А. ҚОДИРОВ.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КЎНДАЛИГИ

ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР! СЎТ ТАЙЕРЛАШДА ОБЛАСТИМИЗ РЕСПУБЛИКАДАН ОРҚАДА ҚОЛМОҚДА. АЙНИҚСА ОРЖОНИКИДЗЕ, ЯНГИЙЎЛ, БЕКОБОД РАЙОНЛАРИДА СЎТ ТАЙЕРЛАШДАГИ АҲВОЛ ҚОНИҚАРСИЗ. ҲАММА ЖОЙДА СЎТ ТАЙЕРЛАШНИ КЕСКИН ЯҲШИЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН САККИЗ ОЙЛИК ПЛАНИН МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК.

ОҚҚҮРҒОН, ЎРТА ЧИРЧИК, БЎКА РАЙОНЛАРИДА ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ МАВСУМГА ТАЙЕРЛАШ ЯҲШИ БОРМОҚДА. ЛЕКИН БУ СОҲАДА ЯНГИЙЎЛ, ЮКОРИ ЧИРЧИК, БЕКОБОД РАЙОНЛАРИ ОРҚАДА ҚОЛМОҚДАЛАР. ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҲАММА ЖОЙДА ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЙИГИМ-ТЕРИМГА, АЙНИҚСА МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРАЙЛИК!

Терим машиналари ремонтини тезлаштирайлик

Беш йилликнинг сўнгги йилида давлатга 350 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган областимиз колхозчилари, совхозларининг ишчилари ва барча меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун шу кунларда фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Поёнсиз пахта далаларида ғўзалар серхосил бўлиб ўсмоқда. Деҳқонлар августнинг зарбдор ойи деб, ана шу даврда барча майдонларда ғўзаларнинг яна ҳам кўпроқ ҳосил туғиши учун курашаптилар.

Қўнликнинг фидокорона меҳнати тўғрисида етиштирилган пахтадан сира ноубуд қилмай йиғиб-териб олиш пухта тайёргарликка боғлиқ. Ҳозирги пайтда йигим-терим қўнлигини машиналар теримсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Терим машиналари деҳқон қаноти, суянган тоғи. Ана шундай экан, ҳамма ҳўжаликларида терим машиналарининг ҳаммаси асбон ана шу август ойи ичида тахт қилиб қўйилиши зарур. Бу йил даладарда 3693 «зангори кема» ишлаши мўлжалланмоқда. Августнинг дастлабки кунларига ана шу машиналарнинг 2397

таси ремонтдан чиқарилади. Терим машиналарини мавсумга тайёрлашда Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районлари бирмунча юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу районлардаги илгўр ҳўжаликлари машиналарини ўз вақтида тахт қилиб қўйиб теримни муваффақиятли ўтказиш режаларини шу кунларда кўриб, яхши иш қилмоқдалар.

Лекин бир қатор районларда техника ремонтни талабга мутлақо жавоб бермайди. Бекобод районига ғўза парваришида йўл қўйётган камчиликлар кечачи маҳаланида тахт қилинган эди. Берилган маълумотларга қараганда бу районда пахта терим машиналарини ремонтни ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Шу кунгача 488 терим машинасида 260 таси қўлдан чиқарилибди. План ярмидан сал ошган. Област бўйича салкам 70 процент машина ремонт қилиб қўйилган ҳолда бу районда тайёргарлик ишлари яндо сўт бормоқда. Шунингдек, Янгийўл районига ҳўжаликларида ҳам машиналар ремонтни тўғрисида чинакамга қайтирилмаётган. Ҳозиргача 42 процентдан сал кўп

машинанинг ремонт қилинганлиги бу фикримизнинг далилидир.

Вақт тизиллашиб қолмоқда. Асосини куч ғўза парваришига сафарбар этилган ҳозирги кунларда йигим-теримга пухта тай-

ёргарлик кўриш учун курашимиз, механизаторларнинг ремонт ишларида фаол қатнашшини таъминлашимиз, бу мақсадга эришиш учун уларга барча қўлай шароитларни яратиб беришимиз керак.

Сўт тайёрлашда ўзгариш ясалсин

Республикада пойтахти Тошкент меҳнаткашларини ва областимиздаги саноат шахарларини аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари, айниқса сўт билан ҳамма вақт мўл-қўл таъминлаш областимиз чорвачиларининг муҳим ва жанговар назардандир. Шу нуқтан назардан олиб қараганда, иккун бўлиш керак, ишларимиз кўнглидагидек эмас. Областимиз ҳўжаликлари етти ойлик сўт тайёрлаш планини бажаролмай, республикадан орқда қолмоқдалар. Бу қолоқликдан ана шу саккизинчи ой — августда чиқишимиз керак. Аммо йирик чорвадор районлар ҳисобланган — Қалнини, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл район ҳўжаликларида ситгирлардан сўт соғиб олиш ва уни етказиб бериш талабга мутлақо жавоб бермайди. Кейинги ўн беш кунликда областда сўт тайёрлашда 5,6 процент ўсишга эришилган ҳолда Оржоникидзе районига 4,9 ўсиш бўлган. Шу жиҳатдан олиб қараганда Янгийўл, Қалнини, Юқори Чирчиқ ва бошқа бир қанча районлар ҳам област даражасидан орқда қолишлар.

Областимиз сўт тайёрлашда республика кўрсаткичидан кетинда бормоқда. Биз бу камчилигини тезда тўғатишимиз, саккиз ойлик сўт тайёрлаш топширғинини бажариш учун барча тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳозирги пайтда мол боқувини яхшилаш учун ҳамма имконият бор. Август ойида яхши сўт бермаган ситгирдан қачон кўп сўт соғиб олиш мумкин? Шунинг учун колхоз ва совхозларининг раҳбарлари чорвачилик маҳсулотларини, айниқса сўтга қўлайлигини тадбирларини кўрмасалар, бу соҳадаги топширқинларини бажариш кўнглидагидек бўлмай, уятли бўлиб қоламиз.

КЎСАКЛАР ШИҒИЛ-ШИҒИЛ

Пахтакор деҳқонлар августини ҳосилни қўлайтириш ойи дейишади. Ҳақиқатан ҳам август ойида ғўза шоналари тулга, тул кўсакка айланади. Бўлиқ кўсаклар аса қуёш нурида яшилди, кўнглир тус олади. Кўсак кўнглир тус олдими, демас, ишилди, етилди. Деҳқон ғўзаларига ҳосил туғунчаларини санаганда ана шу илган кўсакларга қараб меҳнат натижасини сарҳисоб қилади.

Ҳозир худди ана шундай кунлар. Деҳқон ғўза тулларидан ҳосилни чамалаб, ҳар гектар ердан қанча пахта олиш мумкин эканлигини аниқламоқда. Бўка районидан Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорларини қайси бригада ва звено даладаги бонанг, қизгин меҳнат устида кўрсатди. Уларнинг ияти юбонли ийида пахтадан янада юқори ҳосил етиштириш, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиб, «оғ олтин»дан катта хирмон кўтаришди. Бу йўлда улар ички резервларини қидириб ишга солишяпти.

Шунинг учун ҳам пайкалларида ғўзалар серава, ҳосилдор бўлиб етилмоқда.

Х. Ражабов бошлиқ қилаётган бригада аъзолари 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб аҳд қилишган. Бригада далада бўлиқ ғўзаларини қўздан кечирганингизда, уларнинг мажбуриятга яраша меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир тул ғўзада 7—8 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Бригадининг И. Ҳасанов, И. Ҳўжақулов каби моҳир механизаторлари, У. Раҳимов, Х. Сатторов каби уста сувиқлари ғўза парваришида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳар тул ғўзани алоҳида муҳаббат билан парваришланмоқдалар.

Мана, шу миришкорларнинг кўрсатаётган ҳаракати, ишқоати тўғрисида ғўза тулларидан шигил-шиғил кўсак қўзга ташланиб турибди.

А. ЭРҒАШЕВ.

ТУХУМ КЎПАЯДИ

Баҳром ака Умаров тоғуқилик фермасида ишлаётганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай парранда боғиш маҳоратини тез ўрганиб олди.

Йеяниги йиллар ичида фермада ҳар бир тоғуқилик тухуми олиш қарийб бир ярим баравар ошди. Давлатга тухум топшириш юзасидан берилган топширғини ортини билан алоқ этилди. Ҳозир кўнлига 880 дона тухум севдо хоҳобларига жўнатишмоқда. Қисқа вақт ичида 130 минг донага яқин тухум топширилди. Ил-

лик план 120 процентдан ошириб бажарилди.

— Мен ҳам бошқа чорвадорлар каби ўз зиммамга оширилган мажбурият олдим, — дейди ўртоқ Умаров. — Ҳар бир тоғуқилик пландаги 80 ўрнига 100 тадан тухум топшириш ниятидаман. Парранда боқувини яхшилаб, озуқа рацонининг сифатига эътибор беришаман. Яқин ойлари ичида мажбуриятини шараф билан бажараман.

М. АЗАМАТОВ,
Юқори Чирчиқ «Коммуна» колхозчи.

ИЛК ТАБАССУМ

(ЛАВҲА)

Бинокорлар сафига яқиндагина қўшилган қорача, кичик жуасали, мулойим бу йиғини кўнлик учун илгўрлик ҳам. У участкага ўз вақтида келиб-кетар, курувчиларнинг ҳар бири гапи унга гўё янги бир оламин очаётгандай, ҳайратомуз тикилиб қоларди. У сирдан ўз ишидан мамнундек таассурот қолдирарди.

Аслида-чи? Кўнлида нималар бўлаётганини унинг ўзи биларди. Ҳа, у баъзи нуқсонларга ичига тикилиб қўярди. «Тўғри, иш сўрвати чакки эмас, лекин кўнлимизни боғлаб қўйётган нарсаларини кўрмайсанми, — деб хитоб қиларди ўзига кимгадир, — бошда пардозловчиларга пешмалеш иш етказиб берамиз», дейишганди. Энди, мана, қўл қовуштириб ўтирибмиз.

Хуноби ошганича бор. Бригадир анча лапашан чириб қолди. Қўрбон уни кўп йил қўрилишда ишлагани учун дилдан хурматларди. Аммо... у Қўрбон ўзлағачалик ишга астойдил жон қуйдирмас эди. Қўрбон иш бўлса ҳам кўп қийинчилигини кўрди. Бўка районидан «Тўғрисида» колхозининг бинокорлари уни «Меҳнатчан йигитча, ёш бўлса ҳам катта одамнинг ишини айланди» дейишарди. Йиғит ҳам терар, бўёқчилик қилар, бетон ётқизар, қўйинг-чи, кичик хунобини ётқизган эди-да. Намсукум, настирлигини ҳам айтмайсанми? Шу борада ҳарбий хизматини ҳам ўтаб келди-ю, темирини

қизигида босди: Тошкентдаги қўрилиш техникумида ўқиб келди...

У бригада ҳақида кўнлидаги бутун гапларини прораб Леонид Кропотинга тўқиб солди. Прораб нидамасдан ўт чиндангача бир зум ҳайрон бўлиб қолди.

— Ахир, рух заводи — умумхалқ зарбдор қўрилиши, деб эълон қилинган бўлса... — Қўрбон жон куйдириб гапирарди, — ҳар бир нисимини белгиланган вақтда қўлдан чиндаришимиз керак-да. Бу аҳволда...

— Ҳўш, нима қилиш керак энди? — Леонид Кропотин бу қорача йиғитга қизиниб тикилди. Қўрбон, бунинг сабаби — участкада курувчилар маҳаласига қараб жон-жонига қўйилмагани, зарбдор участкага ҳақиқий зарбдор бинокорлар тавсия этилмаётганини айтди.

— Ахир, шу долзарб участкага Соли Фатхудинов, Маша Каландарова, Ноди Исанова, Ёшим Гим каби ишнинг кўзини билдирганларини қўйиб керак эмасми? Негиз булар четда қолди? Кундалик нормаларини доим бир ярим баравар ошириб бажаришди-ку...

Прораб ўз фикрларини қизиниб айтганда Қўрбонга энди кўнлимиздаб нараб турарди. Орадан кунлар ўтди. Участкада анча ўзгариш ясалди. Бакуум бўлимасини пардозлаш

ҳам ишларилаб кетди. Прораб Леонид Васильевичнинг димоғи чоғ. У ўн беш йилдан бунда қўрилиш бошқармасида ишлаб келади. Олмаликдаги нисимини электр маркази, металлургия ва олтингўрт деҳқонларнинг биринчи ва иккинчи марказларини қўрилишда қатнашди. Бу объектларда у Қўрбонга ўхшаш ҳақиқий жонқуруларни кўп учратган. Аммо, Қўрбон унинг кўнлига яна бошқа фазилатлари — санимийлиги, беғаразлиги, азаминлиги билан ёниб тушди. Қўл ўтмай у иккинчи участка бошлиғи Роман Қўлдошев билан сўхбатда анчадан бери юратганда йиғиб юрган гапни айтди.

— Роман, менимча, Қўрбон бригадани айлал олади. Ишга ҳаваси зўр. Қўл, дема...

Қўлдошев бригадари бора ҳақиқий ишларининг асл ташаббускори мана шу кичик жуасали эгалиги — Қўрбон Абдуназаров эканлигини сезиб юрар, аммо ҳар қалай у ёш мақтовдан ҳавола қилиш мумкин, деб ўйларди. Аммо, дилида у билан фахрланарди. Гап хонаси келганда:

— Майли, арзийди, — деди. Ақл ёнда эмас, бошда, деганларидек ёш бригадир кўнлини қалбига тез йўл топа олади. Ҳар бир курувчининг тажрибаси, ёши, феълига қараб иш туғди. Бригадасидаги 15 киши ҳозир бир ёқадан бош чиқариб, аҳил меҳнат қилмоқда.



«Қўрбон қуёш тикнага келганда азамат қоруслар орадаб ўз участкаси тўмон ошқарди. Қўрбон кўнка бунда чўзган, салобатли пехларнинг қорусларига қараб, фахрланди: «Шулар ҳаммаси бир неча ой ичида над қўтаргани. Ишон қўли нималарга лодир эмас! Унинг ҳаёлини билдан Нада бўлиб юборди.


— Виспел, виспел! — деб севинчидан ошқиб келарди, у. Ўтган ўн кўнликдаги зафари учун Қ. Абдуназаров бригадаси муносиб тақдирланганди.

Х. ИКРОМОВ.

Суратда: завод қўрилишда ишлаётган «Сантехмонтаж» трестининг илгўр электр пайвандчилари Мурод Усмонов ва Станислав Макаровларини кўриб турибсиз.

Р. Жуманнєзов фотоси.

ФОТООБЪЕКТИВДА — ЖОНАЖОН БАТАН



«БЕЛАЗ» — бутун дунёга машҳур марка. Беларусия автомобил заводи ишлаб чиқарган бундай юк машиналари курилишларда, конларда, кўмир карьерларида ишлатилади. Машиналарнинг қуввати тобора оширилмоқда. Завод конструкторлари ҳозирдаёқ 75 ва 120 тонна юк кўтарар оладиган янги машиналар яратишди. Суратда: 120 тонна юк кўтарар оладиган «БЕЛАЗ» — 549В машинаси завод пехида.

В. КУНОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.



КОМИ АССР. Автоном республика турар фойдали қазилмаларга жуда бой. Бу ерда юқори сифатли кўмир, нефть ва газнинг катта запаслари топишган. Республика территориясида геология қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Суратда: пертолёт Воркута комплекс геология қидирув экспедициясининг шимолӣ Уралга келтириди.

С. ГУБСКИН фотоси, ТАСС фотохроникаси.



ДОГИСТОНДА юз берган табиий офат туфайли доғистонлик пионер ва ўқувчиларнинг катта гуруҳи ҳозир Озарбайжон, Грузия ва бошқа республикаларда пионер ёзлари кўнглига ўтказмоқда. Қабарда-Бақар АССРдаги «Юлдузча» болалар санаторийи ҳам доғистонлик ўқувчиларни ўз бағрига олди. Суратда: «Юлдузча» болалар санаторийида.

Р. ДИК фотоси, (ТАСС фотохроникаси).



УДМУРДИЯ АССР. Ижевск автомобил заводи яқинда ўзининг 50 йиллиғи «Москвич»-ни ишлаб чиқарди. Коллектив 1966 йил декабрда биринчи автомобилни ишлаб чиқарган эди. Республиканинг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган шу йилнинг ноябрь ойига қадар корхонанинг бош йиғув конвейерини ишга тушириш мўлакаланмоқда. Суратда: Э. ЗАГУЛЯЕВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МЕХНАТДАН
ХУРМАТ

Абдурахмон ака Жўрабоев узок йиллардан бери Ўзбекистон чорвачилик илмий-техник институтининг «Қизил шалола» эксперименталь базасига раҳбарлик қилиб келди. Унинг ҳаёт йўли билан танишар экансиз, халқимизнинг эрк ва бахт учун курашган ўша оловли йиллари эсга тушади.

1930 йил. Самарқанд сабзавотчилик техникумини муваффақиятли битирган Абдурахмон Жўрабоевни комиссияга ҳаммадан кейин қабул қилди. Катта хонага қўйилган стол юқорисидан қотоғга нималариндир ёзатган ўрта ёшлардаги киши унга синувчан назар ташлаб: «Сизни Қашқадарё области Шахрисабз район МТСининг қишлоқ хўжалик участкаси бошлиғи қилиб юбормоқчимиз, нима дейсиз?» деди.

Абдурахмон Жўрабоев ўйлаб қолди: «Шундай катта хўжаликка бош бўлиш, қишлоқ хўжалигига юқори ағротехникани жорий этиш, янги ташкил этилган қишлоқларни тиклаш, яна қанчадан-қанча тадбирларни амалга ошириш, уларга раҳбарлик қилиш... Қўлимдан келармикин? Одамлар олдига, устоzalарим олдига юзим шувут бўлиб қолмасмикин?»

У ҳозир шуларни хаёлидан ўтказди. Ушанда у Ўзбекистонда эди. Ёш Абдурахмон агроучастка

ишини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида самарали иш олиб борди. Бу йилларда Қашқадарёнинг тоғли район ва қишлоқларида Совет давлатининг ашаддӣ душманлари — босмачилар ҳаракати давом этаётган эди. Босмачиларга қарши кўнглини дехқон отрядлари тузилди. Шундай отрядлардан бири «Қизил таёқчилар» отряди бўлиб, унга Абдурахмон ака Жўрабоев бошчилик қилди. Қўнғилли отряд босмачиларга қаршиги зарба бериб, бир қанча қишлоқларни тазалди.

Ички душманлар тугатилгач Жўрабоев яна ўз ишига қайтди. Уни район қишлоқ хўжалик мутахассислари йитида район инженер-техник секциясининг бошлиғи қилиб тайинланди. Абдурахмон ака шу йиллар қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртасида катта ташкилотчилик ишлари олиб борди. Район конференциясида уни қишлоқ хўжалик инженер-техник ходимларининг Ўзбекистон I съезиди, сўнг Бутуниттифок инженер-техник ходимлари съезидида делегат қилиб кўрсатишди. У съездда фахрли жойга ишчилар президиумида ўтиришга сазовор бўлди.

Жонқур қишлоқ хўжалик мутахассиси 1932-1944 йилларда республикадаги қишлоқ хўжалик ташкилотда

рида, жумладан, Улут Ватан уруши йиллари Оржоникиде район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўлимининг бош агрономи вазифасида ишлади. Бир неча бор район Советига депутат ва район партия комитети аъзосилик қилди.

Абдурахмон ака Жўрабоев «Қизил шалола» эксперименталь базасида ҳам моҳир ташкилотчи, билимдон агроном сифатида кенг танилди. Ўтган йили маккажўхори ҳосили бу ерда 40 центнерга етказилди. Кейинги йилларда бошқа озуқа экинларидан олинмаган ҳосил ҳам ошди. чорвачиликдан олинмаган маҳсулот бир неча баробарга ортди. Ўтган йили ҳар беш ситидан соғиб олинган сут миқдори ўртача 3443 килограммга туғри келди. Ажойиб чорвадорлар етишиб чиққан хўжаликда. Бу ерда: Социалистик Меҳнат Қарамоми А. И. Чудная, тажрибали молбоқарлардан Солиқ Дўстматов, Қурбон Икромовлар... номини ҳамма хурмат билан тилга олади.

Абдурахмон ака Жўрабоев бу йил олтинш баҳорнинг юзини кўрди. Шундан қирқ йилдан ортнқига у қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида ҳормай-толмай тер тўкди. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик соҳасида Абдурахмон аканинг ўнлаб ажойиб шогирдлари ишлатмоқда.

Йинди уни кўп йиллардан бери бирга хизмат қилган дўстлари, шогирдлари, сафдошлари хурмат-эҳтиром билан пенисига узатишди. Ёш ҳам Абдурахмон ака Жўрабоевга узок умр, сийхат-саломатлик тилаймиз.

Н. ТУРАЕВ
Оржоникиде район.

Қайноқ қалб

Байтўрғон қишлоғининг таърифи кетган. Унинг иқлими, фойзи ўзгача. Баҳою қишлоқ бағрида дам олиш уйлари, санаторийлар қурилган. «Ботаника» санаторийси ҳам шу ерда жойлашган. Унинг хўшманзара кучогиди ҳар бир смекала 300 дан ортқ киши даволанади.

Санаторийда асосан юрак-томир, асаб, ошқозон-ичак, бол ва шунга ўхшаш касалликлар билан оғриган кишилар даволанади.

Беморлар шифокорлар хизматида хурсандлар. Беморлардан И. Лавриненко, О. Руздуғиналар билан суҳбатлашдик. Улар Олжаота шахридан кел-

ган эканлар.

Даволаётганимизга йилгирга кўн бўлди, ўзимизни жуда яхши ҳис қилаётимиз. — дейди И. Лавриненко. — Санаторий врачлари ўз касбининг моҳир усталари экан. Айниқса, бош врач Г. Бакировдан ҳамма миннатдор. У ҳолимиздан тез-тез хабар олиб туради. Хўшмуомалалигини айтмайсанми! Шифокорларга янги раҳмат айтсангиз арзийди.

Ҳа, «Ботаника» санаторийсининг бош врач Гавҳар опа Бакирова чиндан ҳам ўз касбининг устаси.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари. Гавҳар опа Бакирова маърифат сари инти-

либ, шарафли касб — шифокорликни таллади.

Гавҳар опа республика шифохоналарида 1930 йилдан бери хизмат қилиб келмоқда. Дастлаб, «Абрикосовий сад» санаторийсини ташкил қилди, бу ерда бош врач лавозимида саккиз йил ишлади.

Кейинчалик фронтда ҳарбий госпитал бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. Лекин, тезда фронт орасига маъсулликни ишти бақариш учун юборилди. Гавҳар опа 1942 йил Тошкент областидаги Ҳасанбой қишлоғида болалар санаторийсини очнига яқиндан бош қўшди. Бу ерда бош врач бўлиб олти йил ишлади.

1955 йил Гавҳар опа «Чимган» санаторийсига бош врач қилиб тайинланди.

Гавҳар опа Бакированинг «Одтош» санаторийсида бош врач бўлиб ишлаган йиллардаги фаолияти ҳам жуда мазмунли бўлди. Психотерапия кабинети кенгайтирилди, ҳар хил аппаратлар келтирилди. У 1967 йилда «Одтош» санаторийсидан пенсияга чиқди.

Лекин, ишчан шифокор қайноқ меҳнат кучогидан бутунлай кетгани йўқ. Уни «Ботаника» санаторийсига бош врач бўлиб ишлашга таклиф қилди. Гавҳар-опанинг бу ердаги фаолияти ҳам маънога сазовор. Хўшмуомалалигини, ишчанлигини билан бошқаларга намуна бўлаётди.

Ҳа, Гавҳар опа ўз меҳнати билан чинакам катта хурматга сазовор бўлган аёллардан.

С. АБДУЛЛАЕВ.

ПАХТА ЯХШИ
ҚУРИТИЛАДИ

Тошкентдаги «Хлопкомаш» заводи ишлаб чиқарган дастлабки 100 та янги универсал тақомиллаштирилган УСС—1 сўнликларни «Узсельхозтехника»нинг савдо базаларига келтирилди. Бу агрегатлар ҳў кракини, машинада ёки қўлда терилган пахтани, туғилган маккажўхориин сўтас билан қуритиб чиқаради.

Сўнликнинг автомати тең-зоғераторини ишга туширади, унинг ишини назорат қилади. Башарти температура бирдан кўтарилб кетса, бу ердаги махсус қурилма меҳнатчининг аяратиб қўяди. Агрегатнинг иссиқлик берувчи юрғи ёндирш қалерасининг ишини фотозлемент қурабди боради.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ИОНЛАР НЕФТЬ ТУТАДИ

Киевдаги Бутуниттифок нефтин қайта ишлаш ва нефть химияси саноати илмий-тадқиқот ва лойиқлаш институтининг олимлари нефтин қайта ишлаш заводаларининг оқинди сувини тозалаш қиёзисининг янги усулини таклиф қилдилар. Оқинди сув темир түтнннч востасида химиявий ишлаб чиқариш чинқиларида тозаланади. Шунда ҳосил бўлган темир ионлари нефть пардасини қўндан-қўн майда томчиларга парчалаб юборади. Бундан кейинги реакцияда темир гидроксиднинг нагалари ҳалиги томчи нефтин қамраб олди, сувнинг тағига чўкади, тиндирилган сув эса филтрдан ўтказиб юборилди.

Янги усулнинг ишлатилиши тозалаш ишшоотларини арзонлаштиради ва эксплуатация харажатларини анча қисқартиради. Бу усул дрогобиндаги нефтини қайта ишлаш заводида жорий қилинди.

«АБАДИЙ» КОНТАКТЛАР

Москвдаги «Россия» ва «Мир» кинотеатрларидан Украина Фанлар академиясига кўчи кинопроекторларда ялзма машъаласи ҳосил қилувчи электрод қисқичларини синаш тўғрисида билдирилган фикрлар юборилди. Бу деталлар, дейлади катда, 450 соат ишлаб қўйган бўлсада, яна ишлатишга чўкади, тиндирилган сув эса филтрдан ўтказиб юборилди.

муддати тахминан минг соатга боради.

Боғи қисқичларга ишлатилган металл керамик қотишма Украина ССР Фанлар академиясининг материалшуносли институтида металлургия усули билан ҳосил қилинган. Қотишма таркибиди вольфрам, никель ва мис бор. Пайвандаш машина ускуналари, турин вазибалардаги виллочателар тайёрлашда ҳам шундай қотишмалардан муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Контакт мосламаларга сарфланган 10 тонна янги қотишма 400 тонна мисни тежаб, 3,5 миллион сўмлик наф келтириши ҳисоблаб чиқилди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ
ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИДА
БОСИЛИБ ЧИҚДИ

ПАРИЖ, 4 август, (ТАСС). Франция коммунистларининг «Экономиз политик» журналининг июль ва август сонидида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг июль, Пленумида қилган «Партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги набатдаги вазифалари» мавзусидаги докладининг баёнини тўла эълон қилди.

УГАНДА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КАМПАЛА, (ТАСС). Уганда президенти Милтон Оботе ўз ҳукумати чет эл компанияларининг 85 процентини национализация қилишга қарор берганини яна бир марта таъкидлади. Шу йилнинг май ойида ана шундай чора қўралаётган эълон қилинган эди. Президент мамлакатнинг иш-

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлариХИНДИСТОННИНГ
БИРИНЧИ АЕЛ ЭЛЧИСИ

ДЕХЛИ, 4 август, (ТАСС). Чоипра Белнаипа Мутхамма Хиндистоннинг биринчи аёл элчиси бўлди. Ташқи ишлар министрлигининг секретари лавозимида ишлаб келган Ч. Б. Мутхамма мамлакат ҳукуматининг қарорига биноан Хиндистоннинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси қилиб тайинланди.

АГРЕССИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚОҲИРА, 4 август, (ТАСС). Совет Иттифоқининг ёрдами билан, совет мутахассисларининг бевосита қатнашувида ас-Тахрир вилоятида қурилган механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик фермасини Бирлашган Араб Республикасига ҳади сифатида топшириш тўғрисидаги ҳужжатни БАРИнинг янги ерларини ўзлаштириш министрлигида имзолаш тантанали маросими бўлиб ўтди. Фермага қўшиб мингдан ошқ қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа ускуналар ҳам Миср халқига ҳади қилиб топширилди. Ҳужжатни Совет Иттифоқи томонидан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Мелнорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, БАР томонидан янги ерларни ўзлаштириш министри доктор Мухаммад Аҳмад Бакир имзоладилар.

«Ас-Тахрир» вилоятидаги механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик фермаси, — деди таънавали маросимда сўзга қўнган Миср халқига ҳади қилиб топширилди. — Совет-Араб дўстлигининг рамзиндир».

Мухаммад Аҳмад Бакир БАРга самийини ва бегараз ёрдам бераётганликлари учун Совет ҳукумати ва халқига сидқидилдан миннатдорчилик билдирди ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришни ва мустақамлашнинг умиди борлигини айтди.

СОВЕТ-ҒАРБИИ ГЕРМАНИЯ
МУЗОКАРАЛАРИ

4 августда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико баян Германия Федератив Республикасининг ташқи ишлар министри В. Шеел ўртасида иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан музокара-лар давом эттирилди.

(ТАСС).

ҲЧ ОЛИШГА ҚАРШИ
НОРОЗИЛИК

ПАРИЖ, 5 август, (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Мадриддан хабар берди: Испания полицияси 21 июлда отиб ўлдирилган ишчиларга мотам тутиб, Мадриднинг ишчилар ишайдаги Баласкас районидидаги биноларда ўтган кечаси қора байроқлар ва «қонли ўч олиш» деган ёзувлар пайдо бўлди.

Яширин шароитда иш олиб бораётган Испания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ижрола комитети кеча баёноти тарқатиб, 27 июлда полиция «ишчи комиссияларининг» (яширин қасаба союзи) Гранаддаги ишчилар ўққа тутилганига қарши норозилик юзасидан биргаликда қилинадиган ҳаракатлар программасини ишлаб чиқмоқ учун Мадрид яқинида туғланган 30 раҳбарини қамоққа олганлигини қаттиқ қоралади.

ФАЛАСТИН
ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ

АММОН, (ТАСС). «Ал Асифа» таъкилотининг партизан отрядлари оккупация қилинган араб территорияларидаги Махтас (Иордан дарёси водиси), билан Голан тепалиқларидаги Исроил ҳарбий лагерларини ўққа тутдилар. Бирлашган Фаластин дўмондонлигининг ахборотида шу ҳафта гапирилди.

Партизанларнинг бошқа гуруҳлари Рувайсат Алхамра (Голан тепалиқлари) билан Умм Сидра (Иордан дарёси водисидида) Исроил патруллариини ўққа тутди.

Ахборотда маълум қилинадики, партизанлар июль ойи мобайнида Исроил босқинчиларига қарши 503 марта операция ўтказиб, душманининг аскар ва техникасига катта-катта талафотлар етказдилар.

ГВИНЕЯ ХАЛҚИ КУРАШИ
БИЛАН БИРДАМЛИК

Осн ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети Гвинея (Бисау) ва Яшил Бурун ороллари халқларининг кураши билан бирдамлик кўни муносабати билан баёноти бериб, қўлнга кўрол олиб ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган Гвинея халқларини миллион-миллион совет кишилари қатъий қўллаб-қувватлаётганини изҳор этди.

Ўзининг интернационал бурчига солиқ Совет Иттифоқи Гвинея ва Яшил Бурун ороллари халқларининг қаҳрамонона курашини империализм ва мустақилакчиликлари қарши умумий курашнинг бир қисми деб қараб уларни қатъий қўллаб-қувватлаб ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келди.

(ТАСС).

ЯНА ИККИТА САМОЛЕТ
УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 4 август, (ТАСС). Вьетнам Информация агентлигини Каосан Патет-лао агентлигига асосланб хабар қилишча Лаоснинг ватанпарвар кучлари 26 июлга ўтар кечаси душманининг Сьенкуанг вилоятидаги позицияларини ўққа тутиб, Американинг иккита самолётини яқсон қилганлар.

Лаос осмонидан уриб туширилган ёки ерда турган жойда мажарлаб ташланган Америка самолётлари ва вертолётларининг жами сони 1904 тага етди.

Эроннинг миллий экономикасида нефтин қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш муҳим роль ўйнайди. Персид буғизидидаги Харк ороли кимматбаҳо хом ашёни экспорт қилиш маркази ҳисобланади. Бу ерда нефть — химия заводалари қурилган. Суратда: Янги бунёд этилган нефть — химия заводида, Эрон мутахассиси Р. Аббоси пултни бошқармоқда.

В. Соболев фотоси.

